Ота бапти кулган узалининг тиниб-тиничмаслиги, унча-унча соҳада эмас, компьютерлар учун дастурлар яратиш бўйича илм олаётганлиги, қолаверса, Америка билан телефонда тез-тез гаплашиб турганини ҳақда ҳам гапириб берди.

Омонбойнинг тиришқоқли-ги, иродасини тан берса бўлади. У бир нарсегача бел боғласа, эришмай қўймайди. Мактабда ўқиб юрган чоплари математика, биология, информатика бўйича олиёй ўқув юртлари та-дбаларида муважжалланган ўқув қўламанларини ҳам мутлоақ қилишга улурибди.

Урганч давлат университет-га юқори балл тўлаб кири-ши билан ноёб соҳада мута-хассис бўлишни кўнглига ту-гилди. Хорижда ўқинишга ҳозир-лик қўрибди.

Лекин шу ерда бир муш-куллик чиқиб қолди. Инг-лиз тили бўйича ўзлаштири-ши аниқ фанлардан олган би-

Сотчим АБАЗ, «Жалғ сўзи» мухбири.

«САФАР БОЙМАТОВ» — ПЕШҚАДАМ

«Шу замонда юраклар гудураб, кўлар ёниб, товлардан ўт чқнаб турмоги лозим». Бу кўмкўрғонлик 63 яшар раис Эргаш Жумаевнинг гапи. У яна шундай дейди: «Иш-лор берилмаган далани ёввойи ўт босгани мисол фикрлашга эринганинг вужудини ҳам лоқайдлик камал қилади. Кўшдан олдинроқ силжимасанг, кўларинг қамашиб, йўлингдан адашининг мумкин. Одамзот ўз имкониятларини қанот қилиб, ҳаммиса парвоз этмоги керак.»

Э.Жумаев тумандаги Сафар Бойматов номли ҳиссадорлик ҳамияти раиси. 32 минг аҳоли 6 минг гектар сугориладиган ерда рўзгор қилади. Беш минг хонадон газлашган. Лалмикор деган янги қишлоққа ҳам ичимлик суви қувурлари тортилди. Мактаблар, боғчалар ҳов узоклардан ярқираб кўзга ташланади. 200

Ният — улуг амал

БУЛТУРНИНГ САБОФИ

Хамиша пешқаддам маррада юрган Кўмкўрғон туманида ҳам ўтган йили пахта кўнгилдагидек бўлмади. — Улчам олишни бизга эргашиб келаётганлардан эмас, балкидан илгарилар кетаётганлардан ўрганмоғимиз лозим, — дейди Кўмкўрғон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Нормўмин Чориев. — Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг бу гап яна-

дижонлик галлакорга, пахтакорга бўйлашини ният қилиб турганларнинг қатъиятини муборакбод этган ҳолда, биз туман ҳокимидан катта ваъдаларнинг масъулияти ҳақида мулоҳазаларини сўраймиз. — Семинар — бир кунлик тадбир. Ваъда икки оғиз гап, — дейди Нормўмин Чориев. — Биз ваъда учун, семинар ё ҳўжжуринчилик учун эмас, ўзимиз учун, рўзгоримизнинг фаровонлиги учун ишлаётганимизни аниқлаб бораёلمиз. Раҳбарнинг вазифаси ўзидан қўйроқ раҳбарларни атрофига тўрлаб мажлис ўтказиш, баҳс-мунозара юргизиш эмас. Биз одамларнинг юрагига чўг ташлашни билмоғимиз керак. Одамларнинг юрагига шубҳага, иккиланганларга, ишонмасликка жўй бўлмаслиги, жўй қолмаслиги керак. Битта гирромликдан мингта адолатсизлик бола-лайди. Аксинча, ҳалоллик бор жойда барикиради. Чориев гапига қўшимча қилиб, ХХI аснинг биринчи ўн йиллиги туман ахли ҳаётида ўзи етиштирган

КўМКЎРҒОННИНГ ИККИ МАНЗАРАСИ

километрлик ички йўллар асфальтланган. Ишлаш учун шарт-шароит ҳам жойида. Қисқа вақт ичида улар меҳнатни ташкил қилишининг ўн тага яқин шаклини синовдан ўтказдилар; колхоз, аккорд-мукофот, бригада пудрати, ширкат, ҳиссадорлик... Ва охири, меҳнатга гирромлик аралашган жойда унинг баракиси учинишга ишонч ҳосил қилдилар. Ишласанг-у, хузурига ишламаган одам шерик бўлса, ҳақинга кўз олайтирса, ўроқда йўқ, мошоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлса, қалбинг музлаб қолмайдими? Қўлинг қараёт бўлиб қолмайдими? Қаршингда турган гирромликка бас келолмаслигининг аниқлигиндан сўнг енгилнинг устидан, оғирнинг остидан юришга ўрганиб қолмайсанми? Ишга кўнгиладан қўл урмаганингдан кейин устидан мингта комиссия назорат қилиб турсинчи, самара бўлармикин? Ер, мулк, режа, меҳнат, унинг иссиқ-соғуни хузуру-халовати ўзингники бўлмоги керак. Ана шунда вужудингда чумолининг имконияти бўйсунди — ўз вазингиндан оз баравар оғирроқ юки ҳам ўрнидан даст силжити оладиган бўласан.

Эргаш Жумаев раис бўлган, биринчи галда ҳўжалигидеги 136 та насоснинг бир маромда ишлашини таъминлашни ўйлаган бўлса, иккинчидан, юқорида эслаганимиздай, деҳқонни дўқлаб эмас, кўрқитиб эмас, унга ер бериб, эркинчилик бериб ишлатишни жорий қилди.

да қатъийлашди. Катъият деҳқонларимизни саранжом-сараштали, тежамкор бўлишга даъват этмоқда. Деҳқон тракторнинг керак эмас деб ташлаб қўйган қисмини гаражга қайтариб олиб келди. Тоқар янгича детал яратишга киришди. Фермер ерига ҳайдаб бўлингунга қадар даласидан қилмади. Раис «Магнум»чилар билан ноушута қилишга ўрганди. Нўшута эшитилган вагоннинг йўлга қараб ётмасдан, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришга киришилди. Ҳокимлик фақат ишни эмас, деҳқонга иш ҳақи беришининг аҳолини қаттиқроқ суриштирди.

Бу шиддатни илғаб, яқинда бутун вилоят деҳқонларининг вакиллари кўмкўрғонликларнинг хузурига «хорманг» дегани келдилар. Кичикроқ семинар ўтказиб олдилар. Ва, ишлашга аҳд қилган одам имкониятини юлдуздан ундириб кела олар экан, деган хулосага келдилар.

Бу рағбат қувват бўлди. «Беш қахрамон» ширкат ҳўжалиги январ ойи бошида пахта экиладиган далаларига эгат олиб қўйди. Сафар Бойматов номли ҳўжалик деҳқон қарадорлари ундириб олиб, одамларнинг чўнтақларини тўлдириб маош берди. Яқинда бўлиб ўтган йилги ишларнинг бирида кўмкўрғонликлар галла ҳосилини бултургидан икки баравар кўпайтиришди, пахтадан 40 центнерга етказиб ҳосил кўтаришни амалга оширдилар.

Олимжон УСАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги ҳўжатларини давлат рўяхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2001 йил 15 январдан 27 январгача бўлган маълумот)

I. Давлат рўяхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маҳкумларни қасалиги тўғрисидаги қарорини овоз қилишга тақдим этиш тўғрисидаги буйруғи.
2001 йил 27 январда 1002-сон билан давлат рўяхатидан ўтказилди (2001 йил 6 февралдан қўчга қиради).
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошираётган, қатъий белгиланган микдорда солиқ ундириладиган жисмоний шахсларнинг даромад солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори.
2001 йил 27 январда 1003-сон билан давлат рўяхатидан ўтказилди (2001 йил 6 февралдан қўчга қиради).

II. Давлат рўяхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Тракторлар, ўзйорар механизмлар ва бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалик техникаларининг техник паспорти тўғрисида низоми. «Ўздавконтехназорат» томонидан тақдим этилган.
2. Ишлаб чиқариш корхоналари учун ённинг хавфсизлиги қоидалари. ЎЗР ИИБ томонидан тақдим этилган.
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни шахсий қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. ЎЗР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар вазирлиги академиясининг низомини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи.
5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Фуқароларини чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори.
6. Телекоммуникация хизматларига тарифларни шакллантириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомига ўзгаришлар. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори. Тақдим этилган ҳўжатларда амалдаги қўнчиликка эга қондалар мавжуд ёки улар мейёрий ҳўжатларга қўйилган талабларга жавоб берилади. Давлат рўяхатидан ўтказиш рад этилган мейёрий ҳўжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўяхатидан ўтказиш учун тақдоран тақдим этилиши мумкин.

III. Ҳўқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими

ҳақидаги низомини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялашнинг йиллик база мейёрларини белгилаш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўрадаган ташкилотларнинг бухгалтерлик ҳисоблари ва баланслари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат мулк объектларини давлат тасаруфидан чиқариш ва усуушйлаштириш тартибига 2-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. ЎЗР Давлат мулк қўмитаси томонидан тақдим этилган.
5. «Бизнес-фонд»нинг кичик ва ўрта бизнес корхоналари устас фондига кириш тартиби. «Бизнес-фонд» томонидан тақдим этилган.
6. «Бизнес-фонд» акциядорлик ҳамияти томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низоми. «Бизнес-фонд» томонидан тақдим этилган.
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни риожлантириш қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни риожлантириш қўмитаси ходимлари ҳамда Молия вазирлиги тизимини ходимларини ижтимоий риожлантириш ва моддий рағбатлантириш фондлари маблағларини ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўяхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига эга равишда амал қилаётган қуйидаги мейёрий ҳўжат аниқланди:

1. 2001 йилнинг 1 январдаги ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби. ЎЗР Молия вазирлиги ва Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган.
Давлат рўяхатидан ўтказилмаган мейёрий ҳўжатлар қўчга қирмаган ҳўжат сифатида ҳўқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳўқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги қўрғатмалар бажариламанлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида қўрғатилган мейёрий ҳўжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳўжатни бекор қилиш ва ижродан қақриб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий мейёрий ҳўжатларини давлат рўяхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.
Саволлар ва тақлифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28

Пул эгасини топди

Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни ушқорқилик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан қатор текширишлар ўтказилди.
Текширишда айрим ширкат, бирлашма ва фермер ҳўжаликлари йиғин-терим тугатилган бундан кейин ой бўлганлигига қарамастан, мактаб ўқувчилари билан ҳисоб-китобни асоссиз қўзиб келаётганлиги аниқланди. Чунонин, Мирзаобод туманидаги «Тўртқўла ота» фермер ҳўжалиги раҳ-

Тадбир

Алломишининг нафаси етган, Мирзо Бобур қадами теккан, парилар юрти Паркент ўтган шанба кунини яшариб, яшнаб кетди гўё. Туман ҳокимлиги ва республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган «Навойий даҳосига тазим» деб номланувчи назм ва наво кечасига йиғилган каттаю кичикнинг қалбига бир эзгу-эпик бор эди: Навойий руҳини ёд этмоқ. Айниқса, эл назаридеги кишилар — ёзувчию шоирлар, санъаткорларнинг иштироки кечга янада кўрк бағишлади.

МИЛЛАТ БОШИДАГИ КЎҲИНУР

Фақат буюқларгина ўз ҳақига буюқ мерос қолдиришга қодир, — деди кечада сўз олган Ўзбекистон ҳаёқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қахрамони Саид Аҳмад. — Аниқ, Навойийнинг бой тарихий мероси нафақат бизга, балки келгуси авлодларга ҳам маънавий буюғи бўлиб хизмат қилади. Кечада иштирок этган Ўзбекистон ҳаёқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, адабиётшунослар Иброҳим Гофуров, Султонмурод Олимнинг чиқишларида ҳам Навойий ижоди, унинг қарашлари, ижодининг бош мавзуси — инсон, муҳаббат, ер ва дёр тароналари янги бир талқинда буй кўрсатди. Ўзбекистон ҳаёқ шоири Ойдин Ҳожиева, публицист Шарифа Салимова, шоир Иқбол Мирзоларнинг чиқишларида ҳам Навойий меросига тексиз эҳтиром уфуриб турди. — Навойий ҳазратларининг дурдона асарларини ўқиб ва уқиб керак, — деди кечани бошқарган шоир Маҳмуд Тоиров. — Фарзандларимизнинг ўз ақлодлари меросига ҳўрмат-эҳтиромда бўлган, маънавий бой инсонлар бўлиб қолмасинлар, инсонларнинг истаган ҳар бир инсон ҳазрат асарларини қўнғ билан ўрганиши жоиз. Навойий асарлари аса маънавиятимиз сарчашма-мааларидир. Паркентдаги навойихонлик кечаси назм ва наво байрамга улашиб кетди. Гарчанд байрам қарийб уч соат давом этган бўлса-да, на бир қария ва на бир ёш даврани тарқ этмади. Айниқса, Ўзбекистон ҳаёқ зофирлари, ака-ука Ваҳо-боовлар ҳазрат ғазалларидан хонши қилганларидан, отахону онахонлар қўшиққа монанд тебраниб ўтирдилар. Хонанда Маҳмуджон Йўдошев «Муножот»ни қуйлаганда эса, даврани ёш-яланганга эғаллади. Паркентлик ёш шоир Усмон Бек ўқиган шеърлар аса ҳаюортларнинг гулдурос қарсақлари билан олд-нишланди. Кеча поёнига етган бўлса-да, муҳансилар севиماи шоиру ёзувчилари даврасини тарқ этмасди. Ташқаридан аса оппоқ қор, гўё табиат Навойий ҳазратларини руҳини ёд этиб, келганларга оппоқ пайандоз тўшагандай. Айтишларича, инсон руҳини ёд айлағувчи бир одам қолгунга қадар ўша манзилда кезиб юрармиш. Уни йўқламай қўйсанга, руҳ ўзга юртлардан макон топармиш. Навойий руҳи аса ҳар кун, ҳар он ёдминда, юрагимизда. Демакки, ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳазрат асарлар оша адабиёт қанотида бизнинг давримизгача етиб келди ва миллатнинг бошидаги кўшунур янганг аёқ сочиб турилди.

фир нафсини банд этиб дил султони хузурида мусулмон қилиш» лозим. Нафсини ром этишни Навойий ўрмон арслонини ром этишга ўхшатади. Нафс яна ёввойи фил, тўн ичидаги захарли илон, биёбон денга ташаб қилинади. Нафс охири-оқибатда — бу ўша Одам Атони жаннатдан бадалга қилинишга сабаб бўлган шайтоний лансир.


Ҳожамиз Баҳроуддин Нақшбанд тариқатининг талабдир. Шоир фақр ҳақида ҳам анча кенг тўхтаб ўтади. Риёзатнинг натижаси фақру фано, яъни илоҳий ахлоқ соҳиб бўлиш. Фақрининг белгилари деб Навойий Қаноат, Шукр, Таваққула, Ризо, Ҳақ сиррига оғоҳликни тилга олади. Фақир одамнинг дили равшан, риё вади.

ЎУЎЎ

Нажмиддин КОМИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор

Чу гапти душмани Одам, ки масъудди малюк бод Бурун карда зи бахри донае аз боғи ризовани.
(Фаришталар сажда қилган Одамнинг душмани — шайтон туфайли у бир дона учун (бир дона бугдой — Н.К.) жаннат боғидан маҳрум бўлди).
Моломкин, Отамизни шундай мағлуб этган экан, дейди Навойий, бу авлодларга зоб-росидир, аъзомига зулм тоши, парокча азеб-ниҳти бўлиб турди.
Агар кимки бу душман устидан галаба қилса, уни мардикла Рустамдан ортқ билмоқ керак. Агар солиқ муришдан амридан ташқари чиқмаса, нафс левини шубҳасиз забун этади. Бирок шайтон сенга турин мақру хилда қилади, шу боис нафсини доимий ито-ада тут.
Шундан сўнг қасидада доимий таҳорат, тунларини дуо ва муножот билан уйғоқ-лиқда ўтказиш фойдаси, нақшбандия сулукига ҳоз экир тушириш тартиб-қоидаси баён этилади.
Вале он экир боёнд он чунон дар хотир овардан, Ки жуз мақсур набаод оғо аз даъвию бурхонаш.
(Аммо бу зикрини хотирада шундай маҳфий бақариш керакки, ундан фақат Аллоҳнинг ўзи хабардор бўлса етарли).
Бу — айнан зикри ҳафий, яъни ҳазратни

мақрдан холи, раҳму шафқатда лиммо-лим бўлади. Фақр дунё маҳбубини севишни инкор этмайди, аммо бу мақозий ишқ ҳақиқий ишқ учун восита бўлганина мақбулдир.
Буте к-ат ҳаст — маҳбуби мажози дарвиш пинҳон Ба маҳбуби ҳақиқий ансаб омад сирру китмоноаш.
(Агар бир бут — маҳбуби мажозинг бўлса-ю, уни пинҳон тутсанг, унинг сирру рози маҳбуби ҳақиқийга муносиброқдир).
Бу фикр тасаввуфдаги дунёвий (мажозий) муҳаббат билан илоҳий (ҳақиқий) муҳаббат муносабатларини тушунтиришга анча аниқлик киритади.
Навойий фикри бўйича, фақр мақомига эришган одам учун қароматлар, бақоратлар ҳам муҳим эмас, зеро, қаромат кўрсатиш ҳам риёнинг бир хили, шунинг учун буни «маҳале бўлма», дейди шоир. Фақр мартабасида инсонда муруват ва шафқат ҳисси ниҳоятда ривожланади, бундай мартабада киши душманини ҳам кечиради.
Аду гар қасди жонат кард, чун қоир шуди бар вай, Зи тақдири Ҳақаш медин, қкин пас дил маранжонаш.
(Агар душман жонингга қасд қилса, лекин сен ундан голиб келсанг, буни Ҳақнинг тақдири деб билиб, уни ранжитма).
Фақрга қирган одам Ҳақ билан сирлашар экан, буни сир сақлаши, кўз-кўз қилмасли-




ги лозим. Шу тариқа, агар «Тўхфатул афкор» қасидада фақр мартабасининг улутворлиги, унинг шодлик ва салтанатдан устунилиг ҳақида сўз бурса, «Насимул худла»да фақрининг моҳияти, белги ва фазилатлари, фақрга кўтарилиш йўллари тўғрисида таҳлил этилади, батафсил тушунтирилади.
Ушбу қасида Хусайн Бойқарога бағишланган. Навойий — Фойий назарида Хусайн Бойқаро шўх бўлса-да, фақр мартабасини қозондир:
Бувад оини дарवेशони қомил ин равиш бингар, Чи зебо ояд ар зоҳир қунад шохони давронаш. Зи шохон низ набаод ланқи ин рутба, жуз шохе, Ки дарवेशи зи шохи бартар аст аз айни ирфонаш. Шаҳи дарवेशоаш, султони фақрон, ки аз Эшд Фарош тахтаи шохи фақру дарешист дар шонаш.
(Қомил дарवेशларнинг эътиқод-оини шундай, кўргин: агар буни замон шўхлари ҳам зоҳир этсалар қанди яқин бўларди. Шўхлардан ҳам бунга лойиқларни йўқ, фақат ирфони моҳиятдан дарवेशлиги шодлигиндан устунилиги қўришиб турган шохогина бу насиб этилган. Дарवेशиятида шўх фақр эътиқодли султони, Эшд таоло унинг шайнига фақру дарवेशлигини шодлик тахтидан баланд қилибди).
Юқорида «Тўхфатул афкор» қасидаси муносабати билан Навойий «хўкумат таври»ни танқид қилмай, «дарवेशлар маддоҳлигинда» бир қасида ёзиб, Хусайн Бойқарога бағишлаган нияти бўлганини, мағлаъини айтиб Жоми назаридан ўтказгани, аммо қасиданинг ўзи ёзилмай қолганини қайд этган эдик. Балки ана шу «Насимул худла» қасидасини ёзиш билан Навойий ниятига эришгандир. Чунки бу қасидада ҳам салтанат ва ҳўкумат тилга олнмаган.
Хуллас, «Ситтан зарури» қасидалар туркуми дарवेशлик ва фақр гоиларини тараннум этиш, инсонни шарофлаш, илоҳийлаштиришининг йўли тариқат эканини кўрсатиш билан яқун топилди.
Бу — улуг мутафаккир Навойийнинг эътиқоди, ҳислари, шуурини қамраб олган муқддас гоиларининг ифодасидир.

Мажнунда ХОЛМАТОВА, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ҳикмат

Виждондан бўлак ҳамма нарсани сув билан ювиб тозалаш мумкин.



БИЗДАН СҮРАГАНДИНГИЗ

«Биз, одатда музейлар ҳақида кўп гапираемиз. Лекин ҳаммамиз ҳам унинг тарихини яхши билемиз, деб айтолмаймиз. Айниқса, мустақиллик йилларида бизда музейларга жиддий эътибор қаратилди. Мухташам Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди. Айрим музейларимиз қайтадан таъмирланди, моҳияти ҳам буткул ўзгарди. Хуллас, гапираман десангиз, гап кўп. Бизга музейларнинг тарихи ҳақида имкони борича маълумот берсангиз.»

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ, талоба, Хоразм вилоятидан.

Музейлар миллат тарихидир

Ҳар қандай давлат тараққиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни сақлашга интилиши табиий. Айниқса, бу борада музейларнинг ўрни беқийсдир. Чунки музейлар ўтмишдан қолган тарих, маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси бўлиб, амалдаги қонун-қондаларга мувофиқ равишда сақланган ҳамда намойиш қилинади.

Мустақиллик йилларида қад кўтарган энг улкан «Темурийлар тарихи давлат музейи», «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи», «Халқ амалий санъати музейи» каби кўплаб музейлар борки, улар орқали нафақат юртимиз аҳли, балки мамлакатимизга ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам халқимизнинг бой ўтмишга ва юксак маънавиятга эга эканлигига гувоҳ бўлишмоқда.

Хўш, музейлар қачон пайдо бўлган? Унинг асосий аҳамияти нимадан иборат? Аслида «музей» юнонча атама бўлиб, «музеум» сўзи-дир келиб чиққан. Бу гўзал буюмлар сақлайдиган, тўплайдиган санъат қошонаси, деган маънони англатади. Музейнинг энг дастлабки киси Грециядаги Геликон тоғи ёнида турли тасвирдаги ёдгорликлар сақланган макон ҳисобланган. Бу ерда ҳар 5 йилда «Музейларнинг умумгрек байрами» ўтказиб турилган. Бундан кўриниб турибдики, ушторилган байрам ҳар беш йилда бўлгани учун кейинги байрамга қадар жуда катта ҳозирлик қўрилган.

Унда барча Греция аҳолиси билан бирга қўшни мамлакатлардан ҳам кўплаб шорилар, рассомлар, хунар-

андлар, ҳайкалтарошлар қатнашиб, ўзлари тайёрлаб келган кўпгина нарсаси-буюмларни иштирокчиларга ҳавола этишган. Майдон кенгайиб борган ушбу байрам секин-аста мусобақага айланиб, рақобат шаклида тус ола бошлади. Бунинг ҳосиласи ўлароқ, ушбу музей байрами ҳар доим юксак савияда ўтар, иштирокчиларнинг тайёрлаган нарсаси-буюмлари эса ҳар томонлама сифатли, чиройли бўлиши талаб этиларди. Бунда бошқалардан фарқи ўлароқ, рассом ва ҳайкалтарошларнинг намойиш этган санъат асарлари юксак баҳоланган.

Музейлар дастлаб бадий асарлар мажмуғига, кейин эса моддий ва маънавий, маданий ёдгорликларни йиғувчи, сақловчи муассасага айланган. Узининг улкан тарихий обидалари билан нафақат Европа ва Осиёда, балки бутун дунёда машҳур бўлган Италия давлатида ҳам XV асрга келиб, мавжуд ёдгорликларни мунтазам равишда тўплаш ишлари авжга чиққан. Айниқса, XVI-XVII асрга келиб Франция, Англия, Германияда ҳам музейлар ташкил этиш одат тусига кирган.

Натижада йилдан-йилга ажойиб, турли шаклдаги музейлар вуҷудга кела бошлади. XIX асрга келиб энг катта музейлар Америка, Англия, Швеция, Япония, Хиндистон ва Россияда барпо этилди. Шулар қаторида 1852 йили Эрмитаж, 1873 йили Москвадаги тарих музейи, 1892 йили Третьяков галереясининг ташкил этилгани сўзимизга далилдир. Аммо ўша даврдаги

энг қудратли давлатлар қаторига кирган Италия, Франция, Греция, Хитой мамлакатларида катта музейлар барпо этилмаган. Бундан ўрта Осиё ҳам мустасно эмас. Чунки узоқ ўтмишда тарихий ёдгорликлар, санъат асарлари сақланган чинакам музейлар бўлмаган. Хусусан, мамлакатимиздаги илк Тошкент музейи (Ҳозирги «Ўзбекистон тарихи давлат музейи») — 1876 йили ташкил этилди. Шу пайтдан бошлаб, Ўрта Осиёда бош музейнинг мавжудлиги расман тан олинди. Бунда айниқса, шор-ёзувчилар, олим-уламолар ва жамоат арбоблари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

1895 йилда Фарғонада «Шаҳар халқ музейи» очилди. Орадан бир йил ўтгач, Самарқандда «Самарқанд статистика комитетининг музейи» барпо этилиб, унда ҳар хил ҳужжатлар, уй-ўзғор буюмлари, қурол-аслаҳалар ҳамда сипоқлар, беклар, подшо-ю амалдорларнинг кийимлари намунага қўйилган. Музейларни қатор экспонатлар билан тўлдириб, қимматбаҳо ёдгорликларни йиғиб боришда, айниқса, Мирзо Абдулло Бухорий, Мирзо Абдураҳмон, Мирзо Барот мулла Қосимов, Ҳожи Юсуф Мирфаёзов, Абу Саид Махсум ва Ақром Асқаров каби олимлар катта ҳисса қўшганлар.

Тўпланган тажрибалар, муваффақиятли синовлар секин-аста ортиб борган сари мамлакатда ҳам ранг-баранг, кўркам музейлар қад кўтар бошлади. 1920 йили Наманганда

«Шаҳар ўлкашунослик музейи», 1923 йили Бухорода «Музофот тарихий ўлкашунослик музейи», 1924 йили «Қўқон шаҳар музейи», 1929 йили «Қорақалпоқ музейи», 1933 йилда «Сурхондарё тарихий ўлкашунослик музейи», 1934 йили Андижон, 1954 йили Чирчиқ шаҳарларида музейлар очилди. Улар ёдгорликларни тўловчи илмий ташкилотларга айланди. Мустақиллик тўғрисида республикамизда музейларга бўлган эътибор янада ошди. Хусусан, кейинги 9 йилда давлат қарамоғидаги музейлар сони 81 тани ташкил этди. Шулардан тарих музейлари 15 та, ўлкашунослик музейлари 23 та, бадий санъат қошонаси 10 та, мемориал муассаса 20 та, адабиёт музейлари 8 та, табиат музейлари 4 тадан иборат. Айни пайтда буларда 1 миллион 600 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд.

Шунингдек, мамлакатимизнинг катта ва кичик шаҳарларида, туманларида халқнинг бой тарихий-маданий хазиналарини намойиш қилувчи 510 та музей ишлаб турибди. Жамиятни маънавий-ахлоқий камолга етказиш, кенг аҳоли оммасини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг катта аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1998 йил 12 январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» Фармон чиқарди. Мазкур фармон, шак-шубҳасиз, музейлар ишини ривожлантиришнинг ёрқин истиқболларини очишда катта туртки бўлди.

Бехбуд БОТИРОВ.

Талабаларга ғамхўрлик

Бугун олий ўқув юртида таҳсил олаётган талаба ҳадемай юқори малакали мутахассис сифатида фаолият бошлайди. Буни чуқур англаган жамоалар, ташкилотлар улар ҳақида олдиндан қайғурдилар. Тошкент электротехника-алоқа институтида ўқийётган вилоят ёшлари ҳам «Хоразмтелеком» акциядорлик жамияти билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Икки ўртадаги алоқалар мустаҳкамланиб борапти. Талабаларга узлуқсиз равишда моддий ва маънавий мададкор бўлиш тадбирлари қўрилмоқда.

Мана, уч ойдан буён институт ётоқхонасида истиқомат қилаётган 26 нафар бўлғуси ётуқ мутахассис виллоят электр алоқачилари хизмати тўғрисида бепул тушлик билан таъминланиб турилибди.

«Хоразмтелеком» жамоаси ўзларининг келгуси ўринбосарларига ҳомийлик ёрдамида давом эттиришни мўлжаллаган. Қолаверса, улар билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Вожаб! Ишонган тоғда қийик ётмас

ёхуд чегара тўсиқларини ланг очиб, уни назоратсиз қолдирган, зиммдаги масъулиятни унутган божхона ходимлари ҳақида нордон сўз

Пахтабод туманининг Маданият қишлоғи юқорисида қўшни Қирғизистоннинг «Бурганди» бозори жойлашган. Ҳафтанинг етти кунда ҳам олувчи-ю сотувчилар билан тирбанд бўлади. Мамлакатимиз бозорининг арзанда маҳсулотлари, тақчил буюмлар ўзга юрт пештахталарини тўлдиргандан тўлдирмоқда. Сотувчи ҳирқирок овоз билан бозорни бошга кўтарганча харидорни чорлайди:

Бозор оралаймиз. Қандшакар, ҳўжалик совуни, макарон маҳсулотлари қалашиб ётибди. Уларнинг қўли ўзимизда тайёрланган. Хўш, халқимизнинг ризқ-насибаси, бойлиги ҳисобланган бу маҳсулотлар қандай қилиб қўшни мамлакатга ўтиб қолди ва унинг бозорини тўлдирмоқда?

Шу кунги гуруҳ раҳбарини суриштирдик. Бироздан сўнг Баходиржон Собировни топиб келишимиз. Бозорда кўрганларимизни айтдик.

— Андижоннинг биринчи сорт уни бор, кепқолинг! — Кўргонтепа, Асака ундан нон ёлғиб емабсиз, дунёга келмабсиз.

— Пахта ёғини биздан олинг, адашмайсиз! — Ун сероми? — ўзимизни харидор қилиб кўрсатамиз хотунча.

— Божхона маскани бир ярим соатдан буён назоратсиз. Эшиклар ланг очиб қўйилган. Ахир, бу мўмай пул илинжида юрганлар учун қўл келмайдими? Гуруҳ раҳбари жўяли гап айтолмади ва дарҳол қўли остидаги нарсани оёққа тургазди.

— Истаганингизча топиб берамиз, ака. Фақат хар қопига 6,5 минг сумдан пул санасангиз бўлгани.

— Чегарадан олиб ўтишчи, ахир хув нарида божхона маскани бор?

Ишонган тоғда қийик ётмас, дейдилар. Биз божхоначи йигитларимиз моддий-товар бойликларимиз четга қийиб кетмаслиги, таъқиланган маҳсулотларнинг мамлакатимиз иқтисодига қийиб келмаслиги учун астойдил курашаватти, деб ишонсангиз, улар бўлса...

— Бу ёғини бизга қийиб беринг, ака.

Нихоят, ойнавандли пастаккина хонада гурунглашиб ўтирган бир гуруҳ божхона-

Одилжон ШОДМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.




Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лаҳзаси.



Бу ақиб дуяе

Характер рангга боғлиқми?

Германиялик зоолог, профессор Гельмут Хеммер мушуклар характери унинг рангига боғлиқлигини чуқур ўрганиб, шундай хулосага келди. Унинг таъкидлашича, қора мушуклар жуда жаҳлдор, қизқувчан ва одамлар эркалашини ёқтиради. Оқ қора рангдигилари эса ўйинқароқ, уй соҳибига тезда ўрганиб қолади, айниқса, болаларга. Йўл-йўл чиқиқли мушуклар унинг акси. Мала ва оқ қизғиш рангилари эса лоқайд, совуққон, осоийшталик ва оромни ёқтирадиган, уйдан эшикка чиқмайдиган қилидан бўлади. Оқ мушуклар инқиқ бўлиб, салга жаҳли чиқиб кетади.



Учувчисиз ўғит сочади

Япониянинг «Ямаха» фирмаси радиотўлқин орқали узоқдан туриб бошқариладиган «Р-50» вертолётини ишлаб чиқарди. Бу тикчар қишлоқ ҳўжалиги ишларига мўлжалланган бўлиб, экинзорларга минерал ўғит сочади. Тикчарнинг оғирлиги 67 кило, у 20 килогача юқини кўтара олади ва 30 дақиқа давомда кўнмай уча олади. Ўғитни 3 метр баландликдан сепади. Бир кунда 100-200 минг квадрат метр майдонга ишлов бериш қувватига эга.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВлар томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ. Навбатчи — М. НОРМАТОВ. Мусаххях — А. САТТОРОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.


Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 23.50. 1 2 3 4 5 6

«НАҚШИНКОР СОАТ» ЖУМБОҒИ

Эътиборингизга ҳавола этилаётган соат тасвирдаги горизонтал (кўндаланг) қаторларга айрим ҳарфлар ёзилиб, ҳар бир горизонтал қаторда «СОАТ» сўзи сочиб юборилган. Бўш каттакларга шундай ҳарфлар ёзингиз, натижада ҳар қайси кўндаланг қаторда биттадан, жами 16 та сўз ҳосил бўлсин. Масалан, энг юқоридаги кўндаланг қатордаги бўш хонага А, Н ҳарфлари қўйилса, САНОАТ сўзи ҳосил бўлади.



БҮШ ҲҲТІРМА

Тушунчи ва рассом Волижон АБДУЛЛАЕВ.

Advertisement for FAVORIT-AVTOXIZMAT. Includes text: «FAVORIT-AVTOXIZMAT» акциядорлари диққатига! 2001 йил 16 феврал соат 10.00 да «FAVORIT-AVTOXIZMAT» ОАЖ биносида «Саодат кўчаси, 21-уй, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади. КУН ТАРТИБИ: 1. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш. Ўқилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 16 феврал соат 9.00 да бошланади. Йиғилиш қатнашчиларида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши шарт. Тўғришли маълумот ва материаллар билан «FAVORIT-AVTOXIZMAT» ОАЖ маъмуриятда соат 10.00 дан 12.00 гача танишиш мумкин. Маълумот учун телефон: 65-76-63. Кузатув кенгаши.

Advertisement for Kechagi jumboqning javobi. Includes a 3x3 grid puzzle: 8 1 6, 3 5 7, 4 9 2.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси Янгйўл технология коллежининг директори Одилжон Уринбоева вилдан муҳтарамаси САЛИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси Тошкент юридик коллежининг директори Муҳаррам Сатторовга вилдан муҳтарамаси ҲҲИЛОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси жамоаси иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректор М. Толипова вилдан муҳтарамаси Маҳбуба ОЛИМЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.